


йўқотиш ва албатта етарли миқдорда суғоришини ўтказади. Кўчатзорга баъзан шира, ўргимчаккана тушиши хавфи бўлганда ранецли қўл пуркагичидан фойдаланиб турли хил пестицидлар билан ишлов беради.

Тайёр бўлган мева кўчатларини фермер куз ойларида ковлаб олиб чуқур кавланган ҳандақларга кўмади.

Фермер кўчатларни сифатига қараб икки хил синфга ажратиб саралайди. Юқори сифатли кўчатлар асосан вилоятдан ташқари экспорт қилинади.



Н.Жабборов олма кўчатзорининг иккинчи даласида тайёр бўлган олма кўчатлари



Жабборов Нўймонжон олма кўчатзорида

Ушбу буклет Bioversity International қўмагидаги “Марказий Осиёning қургоқчилик худудлари бўйича (CRP1.1.) CGIAR тадқиқотлар режаси доирасида мўътадил иқлим мева экинларининг юқори сифатли кўчатлари билан фермерларни таъминлаш учун уругчилик системаси платформасини яратиш” лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нарп этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти (ЎИТИ)

Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Ботаника қишлоғи.

Тел.: (+998-90) 987-79-05


Эл. почта: uzripi@yandex.com

Тузувчилар: Ш.М.Ахмедов, А.А.Тешбаев
М.К.Турдиева ва К.И.Байметоловар умумий таҳрири
остида.



Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Жабборов Нўймонжоннинг мева-узум кўчатларини етиштиришнинг ўзиға хос усули



Тошкент – 2015

Жабборов Нўймонжон Фарғона вилояти Қува туманида мева-узум кўчатларини етиштириш ва таъминлаш билан шуғулланиб келади. У вилоятда етакчи кўчат етиштирувчи фермерлар орасида ўз номига эга бўлиб, йилига 40-50 минг дона турли хил мева-узум навлари кўчатларини халқимиз учун етказиб беради.

Жабборов Нўймонжон ўзининг мева кўчатзорида олманинг маҳаллий навларидан Қизил олма, Наманган олма, Жонақи, чет эл навларидан Голден Делишес, Ред Делишес, Старкrimсон, Ренет Симиренко, Бойкен, ўрикнинг Қандак, Шалаҳ, Юбилейний Навои, Субҳони, нокнинг Олмурд, Восток навлари кўчатларини етиштириб келади.



Жабборов Нўймонжон олма кўчатзорининг биринчи даласи

Унинг томорқасида ток қаламчаларини зичлаб экиш натижасида ҳар квадрат метрдан ток кўчатларини чиқими юқорилиги ўз исботини топди. Ушбу томорқада Н.Жабборов ўз оила аъзолари, акаси, келини ва набиралари кўмагида сифатли узум кўчатларини етиштиришга муваффақ бўлди.



Жабборов Нўймонжон оила аъзолари билан томорқада етиштирилган ток кўчатлари орасида

Ток кўчатларини етиштиришда фермер она тупларни соғломлигига, қаламчаларни етилиб пишганлигига катта аҳамият қаратади. Бунинг натижасида фақатгина стандарт кўчат бўла оладиган ток қаламчаларигина танлаб олинади. Ток қаламчаларини тайёрлашда Н.Жабборов килчёвка жараёнига алоҳи ургу бериб, бу агротехник тадбир унинг фикрича, кўчатларни бир хил илдизланишига ва пировард натижада бир текис кўкарадиган стандарт кўчатлар олишга имкон беради.

Кўчатчи-миришкорнинг яна бир ўзига хос тупроқни тайёрлаш усули борки, бу-

нинг натижасида етиштираётган мева-узум кўчатлари ҳар қандай нозик таъб боғбонни талабини қондира олади.

Фермер тупроқка маҳаллий ўғитлар солиш мажбурий эканлигини таъкидлаб, чириган гўнг тупроқ унумдорлигини ошириш, унинг ғоваклилигини таъминлашни ва асосийси ўсимликлар учун етарли озиқа захирасини яратишини айтиб ўтди. Кўчатчи Н.Жабборовнинг фикрича, кўчатзорда алмашлаб экиш тизимини жорий этиш кўчатларни стандарт талабларига жавоб берадиган даражада етиштиришга имконият беради. Фермер, айниқса беш далали алмашлаб экиш тизимини қўллаши юқори натижа берганлигини таъкидлаб, биринчи, иккинчи дала – кўчатзор, учинчи, тўртинчи ва бешинчи дала – беда, ёки бирор дуккакли экин, шунингдек, эртаки сабзавот экиnlари бўлиши мумкин.



Фермернинг мева кўчатзорида тупроқни тайёрлаш ва ишлов бериш усули

Олма кўчатзорининг иккинчи даласида Нўймонжон Жабборов тупроқ қатор оларига ишлов бериш, бегона ўтларни